**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САХАТАЛИЕВА РАЙХАНА РАФАЭЛЕВНА

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ЎРТАСИДА СИЙДИК ПУФАГИ ЛЕЙКОПЛАКИЯСИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ ВА ИММУНОГИСТОХИМИЯСИ

14.00.15 – Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК:616.62-002.289

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сахаталиева Райхана Рафаэлевна
Фарғона водийси аҳолиси ўртасида сийдик пуфаги лейкоплакиясининг тарқалиши, патоморфологияси ва иммуногистохимияси..... 3

Сахаталиева Райхана Рафаэлевна
Распространение, патоморфология и иммуногистохимия лейкоплакии мочевого пузыря среди населения Ферганской долины..... 27

Sakhataliyeva Raykhana Rafaelevna
Prevalence, pathomorphology and immunohistochemistry leukoplakia of the urinary bladder among the population of Fergana Valley..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованнқх работ
List of published works…… 53

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САХАТАЛИЕВА РАЙХАНА РАФАЭЛЕВНА

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ЎРТАСИДА СИЙДИК ПУФАГИ ЛЕЙКОПЛАКИЯСИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ ВА ИММУНОГИСТОХИМИЯСИ

14.00.15 – Патологик анатомия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tib2123 рақам билан рўйхатга олинган.

ДиссертацияАндижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:	**Исраилов Ражаббай** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Нишанов Данияр Анарбаевич** тиббиёт фанлари доктори, доцент
	Юлдашев Бахром Собиржанович тиббиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ходжи Ахмад Ясавий номидаги Қозоқ-Турк Ҳалқаро университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__»_____ куни соат ___даги мажлисда бўлиб ўтади(Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2; Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона.Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертацияавтореферати2022 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгашраиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сийдик пуфаги шиллиқ қаватининг лейкоплакияси ҳалигача мукаммал ўрганилмаган касаллик ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) статистик маълумотдарига кўра «...лейкоплакияларнинг 30% дан ортиғи бир неча йил давомида хавфли ўсмага айланади...»[1]. Шу билан бирга, кўп ҳолларда касаллик ҳеч қандай клиник белгилар билан ўзини намоён қилмайди – саратон касаллигини фақат бутун организмни ташхисий тадқиқот даврида аниқланади. Муаллифлар таъкидлашича «...лейкоплакиялар факультатив ўсма олди жараёни сифатида кўрилиши беморлар ва тиббиёт мутахассислари учун огоҳлантирувчи белгидир...»[2]. Жинсий фаолиятнинг эрта бошланиши, промискуитет, ўтмишда инвазив амалиётларнинг мавжудлиги, жумладан, сийдик пуфаги катетеризацияси, бирга келувчи сурункали гинекологик касалликлар ёки қин дисбиозининг мавжудлиги хавфли омиллар ҳисобланади. Шу сабабли, сийдик пуфаги лейкоплакиясининг хавфли омиллари, ёш гуруҳлари бўйича учраш даражаси, давомийлиги ва ҳар бир шаклини ўзига хос патоморфологик ўзгаришларини янада такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда аҳоли орасида сийдик пуфаги лейкоплакиясининг тарқалиши, патоморфологияси ва иммуногисткимёсини ташхислашни такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада беморларда сийдик пуфаги лейкоплакиясининг хавфли омиллари, учраши, тарқалиши ва давомийлиги, лейкоплакиянинг ясси шаклига хос патоморфологик ўзгаришлари, лейкоплакиянинг веррукоз шаклига хос ва унинг оқибатида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларни, лейкоплакиянинг эрозив шаклига хос патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш ҳамда сийдик пуфаги лейкоплакияси билан хасталанган беморларда иммуногистокимёвий маркерларнинг экспрессияланиш даражасини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини

---

[1] ГБУЗ г. Москвы - медицинская энциклопедия. Лейкоплакия мочевого пузыря. Симптомы и лечение. https://stromynka7.ru/blog/lejkoplakija-mochevogo-puzyrja-simptomy-i/

[2] Staack A. Clinical value of vesical leukoplakia and evaluation of the neoplastic risk by mutation analyses of the tumor suppressor gene TP53 / A. Staack, H. Schlechte, M. Sachs [et al.]// Int J. Urology. - 2006. - Vol. 13 (8). - P. 1092-1097.

яхшилаш....»[3] каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, сийдик пуфаги лейкоплакияси ва ўсмаларини эрта ташхислаш касалликни олдини олиш услубларини ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартидаги ПФ-4985-сон «Шошилинч тиббий ёрдам фолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»,2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомил-лаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сийдик пуфаги лейкоплакия ва ўсмаларининг ёшга боглик патоморфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларини баҳолаш ҳамда эрта ташхислаш юзага келиши мумкин бўлган қўшимча хавф омиллари ва асоратларини ҳал қилишга имконини бериши асосланган (J.B.Burzlaff, P.L.Bohrer, 2007). Цитопатология каби ноинвазив усуллар хавф омиллари таъсирида ва потенциал хавфли шикастланишларда клиник жиҳатдан беморларда кўринмайдиган ҳужайравий ўзгаришларни эрта аниқлашда самарали эканлиги ҳисобланган (J.B.Burzlaff, P.L.Bohrer, R.L.Paiva, F.Visioli, M.Sant'Ana Filho, V.D. da Silva, P.V.Rados, 2007). Шу билан бирга, ҳар бир шикастланишнинг хавфли ўсмага айланиш хавфини яхшироқ тушуниш учун цитопатологиянинг иммуноцитокимёвий усуллари билан ўзаро боғлиқлиги ушбу скрининг жараёнининг самарадорлигини ошириши мумкин. Баъзи тадқиқотлар ушбу молекулани иммуногистокимёвий экспрессиясининг дастлабки босқичларида ва саратон ривожланиши даврида пасайишини кўрсатган (H.B.Sridevi, M.H.Shariff, K.P.Pai, 2015). Дж.М.Гилкрист ва б. (1992) эпителиал дисплазияда инволюкринни кератиноцитларнинг терминал дифференциациясида экспрессияси камайишини аниқлаган. Сийдик пуфаги лейкоплакияси ривожланишига эстроген етишмовчилиги, нейроген сабаблар, вирусли касалликлар, аллергик омиллар каби омиллар таъсир қилади деган фикрлар ҳам мавжуд (P.Blakeman, 2001; T.Amagasa, M.Yamashiro, N.Uzawa, 2011;

[3]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

P.Lüthje, H.Brauner, N.L.Ramos, A.Ovregaard, R.Gläser, A.L.Hirschberg, P.Aspenström, A.Brauner, 2013). Жинсий фаолиятнинг эрта бошланиши, промискуитет, ўтмишда инвазив амалиётларнинг мавжудлиги, жумладан, сийдик пуфагининг катетеризацияси, бирга келувчи сурункали гинекологик касалликлар ёки қин дисбиозининг мавжудлиги хавфли омиллар ҳисобланади (А.Н.Нечипоренко, Н.А.Нечипоренко, А.А.Сытый, Г.Г.Якимович, 2018).

Ўзбекистонда умуман лейкоплакия касаллиги ва унинг ўсмалар билан узвий боғлиги борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Х.П. Камилов, А.А. Кадырбаева, 2022), бироқ, сийдик пуфаги лейкоплакиясини пайдо бўлиши ва кечиши хусусиятларини баҳолаш етарлича ўрганилмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, сийдик пуфаги лейкоплакия ва ўсмаларини эрта ташхислаш ҳамда олдини олиш услубларини ишлаб чиқиш, сийдик пуфаги лейкоплакиясининг хавфли омиллари, ёш гуруҳлари бўйича учраш даражаси, давомийлигини аниқлаш ва ҳар бир шаклини ўзига хос патоморфологик ўзгаришларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Омиллар ва уларни тузатиш йўллари шароитида экспериментал патологиянинг турли шаклларида организм ҳаёт фаолияти параметрларининг функционал метаболик ва структур хусусиятлари, суд-тиббий экспертиза объектларини тадқиқ қилиш ва эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сийдик пуфаги лейкоплакиясининг хавфли омиллари, ёш гуруҳлари бўйича учраш даражаси, давомийлигини аниқлаш ва ҳар бир шаклини ўзига хос патоморфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморларда сийдик пуфаги лейкоплакиясининг хавфли омиллари, ёш гуруҳлари бўйича учраш даражаси ва давомийлигини баҳолаш;

лейкоплакиянинг оддий (ясси) шаклига хос патоморфологик ўзгаришларни аниқлаштириш;

лейкоплакиянинг веррукоз шаклига хос ва унинг оқибатида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш;

лейкоплакиянинг эрозив шаклига хос патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш;

сийдик пуфаги лейкоплакияси билан хасталанган беморларда иммуногистокимёвий маркерларнинг экспрессияланиш даражасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019 йилдан 2021 йилгача бўлган даврдаги Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят ва шаҳар касалхоналарининг урология бўлимларида даволанган беморлардан

цистоскопия усулида олинган 108 та материал, жумладан, 30 та биоптатнинг иммуногистокимёвий текшириш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Фарғона водийси аҳолиси орасида лейкоплакиянинг учраш даражаси, хавфли омиллари, давомийлиги ва ҳар бир шаклининг патоморфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятларини ойдинлаштириш натижалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда сийдик пуфаги лейкоплакиясининг тарқалиши, патоморфологияси ва иммуонгистокимёсини баҳолашда морфологик, иммуногистокимёвий ҳамда статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сийдик пуфаги лейкоплакиясининг оддий шаклининг клиник белгилари йўқлигига қарамай, шиллиқ ости қаватида сурункали яллиғланиш инфильтрати шаклланиши туфайли қопловчи эпителий ҳужайралар қатламлари 2 баробарга ошиши, юза қават ҳужайралари чўзинчоқ шаклга кириши, ядрода пуфакчалар ва бир-нечта ядрочалар пайдо бўлишининг патоморфологик ўзгаришлари исботланган;

веррукоз шаклида гиперкератоз кучайиши сабабли кўп қаватли ясси эпителийни метаплазияси, базал ва парабазал ҳужайралар гиперплазия ва гиперхромазияси, юза қават ҳужайраларида кератогиалин пайдо бўлишининг патоморфологик хусусиятлари асосланган;

эрозия ўчоқлари пайдо бўлиши оқибатида сийдик пуфаги деворининг шиш ва яллиғланиш ҳисобига қалинлашиши, кўп қаватли ўзгарувчан эпителийнинг деярлик барча қаватлари деструкцияланиши, базал ҳужайралар жойидан кўчиши, парабазал ҳужайралар титилиб, сийраклашиб, деструкцияланиши ва юза қават ҳужайралари десквомацияга учраши исботланган;

сийдик пуфаги лейкоплакияси кечишининг оғирлашган сари иммуногистокимёвий маркерларнинг экспрессияланиши кучайиши туфайли сийдик пуфаги шиллиқ пардаси ва қопловчи эпителийсидаги Bcl-2 ва ген супрессорнинг p53 оқсилларнинг экспрессияланиш даражалари касалликни прогрессиясини башоратлашдаги ўрни ва аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сийдик пуфаги лейкоплакиясинг беморлар ёши ва касалликнинг шакллари бўйича учраш даражаси ва касаллик давомийлиги хақидаги маълумотлар бойитилган;

сийдик пуфаги лейкоплакиясининг оддий, веррукоз ва эрозив шаклларнинг учраш даражаси, морфогенези ва ўзига хос патоморфологик ўзгаришлар хақидаги маълумотлар асосида сийдик пуфаги лейкоплакиясини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

сийдик пуфаги лейкоплакияси турли шаклларида шиллиқ парда қопловчи эпителийсида ривожланадиган гиперплазия, метаплазия, акантоз, паракератоз ва дисплазия каби патоморфологик ўзгаришлар хақидаги

маълумотлар врач патологоанатомлар, урологлар иш жараёнида фундаментал асос бўладиган маълумотлар сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган;

сийдик пуфаги лейкоплакиясида сийдик пуфаги шиллиқ пардаси ва қопловчи эпителийсидаги иммуногистокимёвий ўзгаришларга асосланган ҳолда иммуногистокимёвий маркерларнинг цитокератин, Bcl-2 ва p53 ген супрессорларнинг экспрессияланиш тартиби такомиллаштирилган;

сийдик пуфаги лейкоплакиясида цитокератин, Bcl-2 оксилини касаллик прогрессиясида юкори экспрессияси, пролиферацияланган қопловчи эпителийда микрофламентли оқсилларнинг кўпайиши, антиапоптоз маркерининг фаоллашуви, p53 ген супрессор касаллик оғирлашган сари қопловчи эпителий ядросида ҳам экспрессияланиши аниқланиши касалликни башоратлаш сифатида мазкур маркерларни қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, танланган материалнинг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи морфологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида аҳоли ўртасида сийдик пуфаги лейкоплакиясининг тарқалиши, патоморфологияси ва иммуонгистокимёсининг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сийдик пуфаги лейкоплакиясинг хавфли омиллари, беморлар ёши ва касалликнинг шакллари бўйича учраш даражаси ва давомийлиги билан боғлиқлиги, сийдик пуфаги лейкоплакияси ва унинг метаплазияга учраган шаклларини морфологик ва иммуногистокимёвий ўзига хос хусусиятлари, веррукоз ва эррозив шакллар сийдик пуфагининг барча қисми шикастланиши хақидаги клиник ва морфологик белгилар ҳақидаги маълумотлар кенгайтирилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сийдик пуфаги лейкоплакияси ва унинг метаплазияга учраган шаклларнинг морфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар бойитилганлиги, сийдик пуфаги лейкоплакияси генези, унда сурункали яллиғланишлар натижасидаги малигнизацияни аҳамияти, малигинизациясини ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган инсонларда самарали ташхисот усуллар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси аҳоли ўртасида сийдик пуфаги лейкоплакиясининг тарқалиши, патоморфологияси ва иммуногистокимёсибўйича олинган илмий натижалар асосида:

сийдик пуфаги лейкоплакиясини патоморфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларни баҳолаш илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган«Сийдик пуфаги лейкоплакиясини патоморфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларига қараб аниқлаш усули» номли услубий

тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 8н-з/313-сонмаълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномасийдик пуфаги лейкоплакияси ва метаплазияга учраган шаклларини морфологик ва иммуногистокимёвий ўзига хос хусусиятларини баҳолаш тартибини тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

Аҳоли орасида сийдик пуфаги лейкоплакиясининг тарқалиши, патоморфологияси ва иммуногистокимёсини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари патологик анатомия бюролари ҳамда Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг патологик анатомия бўлими амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 12 август 08-23836 маълумотномаси) Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинишисийдик пуфаги деворининг шиш ва яллиғланиш ҳисобига эрозив шаклида қалинлашиши, кўп қаватли ўзгарувчан эпителийнинг деярлик барча қаватлари деструкцияланиши, базал ҳужайралар жойидан кўчганлиги, парабазал ҳужайралар титилиб, сийраклашиб, деструкцияланганлиги ва юза қават ҳужайралари десквамацияга учраши, сийдик пуфаги лейкоплакиясида иммуногистокимёвий маркерлардан цитокератин ва Bcl-2 оқсили касалликнинг даражаси оғирлашиб борган сари экспрессияланиши кучайиши яъни 43,7%гача (3,5 балл) етиши, p53 ген супрессор тинч ҳолатда фақат ҳужайра цитоплазмасида, лейкоплакия касаллиги оғирлашган сари ядрода ҳам экспрессияланиши 19,4%гача ошганлигини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг

апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ахоли орасида сийдик пуфаги лейкоплакиясининг тарқалиши, патоморфологияси ва иммуногистокимёсининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида сийдик пуфагини эмбрионал, ёш болалик ва ўсмирлик давридаги ривожланиши, сийдик пуфагида учрайдиган касалликлар, сийдик пуфаги лейкоплакияси тушунчаси, этиопатогенези ва касаллик оқибатлари бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи келтирилган. Ҳозирга қадар сийдик пуфаги лейкоплакиясининг шаклларида сийдик пуфаги шиллиқ қаватидаги патоморфологик ўзгаришларни ўрганиш охиригача ҳал қилинмаган ҳамда амалиётчи патологоанатомлар ва тадқиқотчиларни эътиборида эканлиги кайд этилган.

Диссертациянинг **«Аҳоли орасида сийдик пуфаги лейкоплакиясининг тарқалиши, патоморфологияси ва иммуногистокимёсини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида сийдик пуфаги лейкоплакиясининг турли босқичлари билан касалланган жами 108 нафар бемор танланган. Беморлар 2019 йилдан 2021 йилгача бўлган даврдаги Андижон, Наманган ва Фаргона вилоят ва шаҳар касалхоналарининг урология бўлимига «сийдик пуфаги лейкоплакияси» ташхиси билан ётқизилган, анамнезида сурункали цистит (50,5%), сийдик пуфаги бўйни цистити (27,5,0%), интерстициал цистит (12,0%), цисталгия (10%) билан касалланган беморлардан цистоскопия текширув усулида олинган биопсия материллари орасидан танлаб олинди.

Эндоскопик текшириш усули, яъни цистоскопия маҳаллий анестезия остида «KARL STORZ» фирмасида ишлаб чиқилган цистоскоп ёрдамида бажарилган. Цистоскопия пайтида беморларда «енгил кўтарилувчи тангачалар» симптоми деб аталадиган ўзига хос белги қайд этилиб, у фақат сийдик пуфаги лейкоплакияси билан касалланган беморларда учрайди. Кейин сийдик пуфагининг ён, олди, орқа девори ва бўйни, сийдик пуфаги учбурчаги кўриб чиқилди ва лейкоплакия пилакчаларининг сони, ўлчами ва жойлашган жойи аниқланган. Эндоскопик текширувлар сийдик пуфаги шиллиқ қаватининг ўзгарган соҳалари биопсияси билан якунланган. Сийдик пуфаги шиллиқ қавати биопсияси учун – сийдик пуфагининг бўйнидан ва кўринадиган шикастланган соҳа майдонидан махсус биопсия (0,1-0,2 см тўқима) қисгичлари ёрдамида олинган.

Клиник ва морфологик тадқиқот усуллари:

Тадқиқотнинг мақсадига мувофиқ ва қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қўйидаги текширув усуллардан фойдаланилди:

-цистоскопия-сийдик пуфаги туби ва деворларни цистоскоп орқали ўрганиш;

- умумморфологик тадқиқот - гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўяш;

-иммуногистокимёвий тадқиқот – пролиферативъ ўзгаришлар, гетеротопия ва апоптозни аниқлаш учун;

Биопсия бўлакчалари 10% - нейтралланган формалинда 48соат қотирилди.

Сувсизлантириш концентрацияси ошиб борувчи спиртларда ва хлороформда ўтказилди. Гистологик кесмалар дастлаб топографиясини аниқлаш учун гематоксилин ва эозинда бўялди. Кейин парафин ғишчалардан олинган бир қатор кесмаларда депарафинизация, дегидратация, демаскировка ва антигенларда бўяшни махсус автоматлаштирилган Ventana BenchmarkXT, Roche(Швейцария) тизимида ўтказилди. Цитокератин, bcl2 ва p53 ген супрессорларнинг экспрессияланиш даражалари аниқланди.

Диссертациянинг **«Сийдик пуфаги лейкоплакиясининг клиник - анамнестик ва лаборатория маълумотлари тахлили»** деб номланган учинчи бобида биопсия материалларини ўрганишда беморлар касаллик босқичи ва шаклига кўра 3гурухга бўлинди: 1-гурух 1-босқич-21нафар (19,4%) аёл бемор сийдик пуфаги лейкоплакиясини оддий (ясси) шакли, 2-гурух 2-босқич-48 нафар(44,4%)аёл бемор сийдик пуфаги лейкоплакиясини веррукоз шакли, 3-гурух 3-босқич-39 нафар(36,2%)аёл бемор сийдик пуфаги лейкоплакиясини эррозив яъни ярали шакли аникланди. Касалларнинг ёши 20-дан 82 ёшгача бўлиб, ўртача ёши 41,4±13,3 ёшни ташкил қилган (1-жадвалга қаранг)

1-жадвал

Беморларни ёши ва сийдик пуфагидаги лейкоплакия боскичлари буйича таксимланиши

Беморлар гуруҳи	Ёш, йилларда						Жами	%
	20-29	30-39	40-49	50-59	60-69	70 ≤		
I гуруҳ	9	3	4	3	2	-	21	19,4%
II гуруҳ	11	14	10	10	1	2	48	44,4%
III гуруҳ	3	16	7	8	3	2	39	36,1%
Жами	23	33	21	21	6	4	108	100%

Беморларни вақтида шифокорга мурожаат килмаслиги, касалликни предиктор белгиларига ахамият бермаслиги (касаллик даражасини ортиши), даво-муолажаларини вақтида ва охиригача олмаслиги, фон касалликларини (қандли диабет, гинекологик касалликлар ва х.к.) кучайиб бориши, ва ракобат касалликларни тез-тез учраши (сурункали цистит, сийдик пуфаги бўйни цистити, интерстициал цистит, цисталгия ва бошқа урологик касалликлар) сийдик пуфаги лейкоплакиясини прогрессиясига яъни метаплазиясига ва кейинчали сийдик пуфаги саратон касаллигига олиб келиши қайд этилди.

Касалликларининг давомийлиги 6 ойдан 8 йилни (ўртача 2,7±0,9) ташкил қилди. Беморларнинг клиник-лаборатор маълумотлари таҳлили патогистологик йўлланма, патогистологик хулосаси ва цистоскопия

текшириш натижаси баённомасимаълумотларидан олинган. (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Беморлар ёши бўйича касаллик давомийлиги кўрсаткичи, ой/йилда

	Ёш гуруҳлари						
ёш	20-29	30-39	40-49	50-59	60-69	70 ≤	жами
аёллар	23	33	21	21	6	4	108
Касаллик давомийлиги, ой/йил	6ой -3 йил	1-5	1-5	1-6	1-7	1-8	6 ойдан-8 йилгача

Эндоскопик текширув таҳлилида сийдик пуфаги лейкоплакияси кўпроқ фертил ёшидаги аёлларда кузатилиб,касалликни прогрессияси ўрта ёшдаги беморларда метаплазияни пайдо бўлиши билан намоён бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, лейкоплакия пилакчалари I гурух беморларида сийдик пуфаги буйини кисмида 1та пилакча кўринишида, купрок 1-1,5 см диаметрига эга бўлган бўлса, II ва III-гуруҳдаги аёлларда касаллик прогрессияси аниқланган бўлиб, пилакчалар сони 2 ва ундан кўп бўлиб, диаметри 2-2,5 см катта ўлчамга тенг бўлган. Натижалар ушбу патологиянинг ривожланганлиги авж олганлигига мос келади. Демак, II ва III гуруҳ аёллари сийдик пуфаги шиллиқ қаватининг шикастланиши I гуруҳ беморларига нисбатан кенгроқ эканлигини кўрсатди. Пилакчалар жойлашиши сийдик пуфаги бўйин қисми ва Льето учбурчагида камроқ, хар иккала соҳадаяъни Льето учбурчаги ва сийдик пуфаги бўйни соҳасида эса кўпрок кузатилган. Бунга биз юқорида айтиб ўтганимиздек сийдик пуфагини бўйин қисмида касалликни кўплаб омилларидан бири сийдик йўллари инфекциясини кўп аниқланиши, Льето учбурчаги- ясси эпителийси гормонал ўзгаришлар билан бирга ҳайз цикли давомида циклик ўзгаришларга учрагани сабабли Льето учбурчагидаги кўп қаватли ясси эпителийда ва қинда сут кислотаси учун субстрат ҳисобланган гликоген синтези содир бўлиши, доимий циклик десквамация ва ясси эпителий юза ҳужайраларининг цитолизи, глюкоза ва сут кислотагача гликогеннинг ферментатив парчаланиши (сут кислотаси концентрацияси сийдикнинг кислоталигини сақлаб туради) сийдик пуфаги ва қин шиллиқ қаватининг ҳимоя механизмларидан бири ҳисобланиб ва ушбу химоя механизмини бузилиши сийдик пуфаги лейкоплакиясини пилакчаси айнан мазкур соҳада жойлашиши бунга асос бўлади.

Диссертациянинг **«Сийдик пуфаги лейкоплакиясининг патоморфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришлари таҳлили ва назорати»** деб номланган тўртинчи бобида сийдик пуфаги лейкоплакиясини клиник морфологик шакллари изоҳланган.

Лейкоплакиянинг дастлабки шакли, яъни **ясси ва оддий лейкоплакияда** қопловчи эпителийнинг ўчоқли гиперплазияси ва акантози, айрим соҳаларида паракератоз пайдо бўлганлиги аниқланган (1-расмга

қаранг). Акантоз ўчоқлари кўп ва зич жойлашганлиги, орасидаги бириктирувчи тўқима тутамлари энсиз ва торлиги, улар таркибида дезорганизацияланган бириктирувчи тўқима, толаларининг деструкцияланганлиги, ҳужайраларининг пролиферацияланиш фаоллиги ошганлиги ва лимфоид ҳужайралар пайдо бўлганлиги намоён бўлган. Шиллиқ парда ости бириктирувчи тўқима қаватида мононуклеар ҳужайралар, яъни лимфоцитлар, плазматик ҳужайралар ва макрофаглардан иборат инфильтрация аниқланган. Жараён узоқ давом этганда шиллиқ парда ости қаватининг айрим жойларида склероз ва фиброз ўчоқлари пайдо бўлган. Лейкоплакиянинг оддий шаклида кўп қаватли ўзгарувчан ясси эпителийнинг тиканаксимон қавати ҳужайралари кескин пролиферацияланиб, кўпайганлиги ҳисобига уларнинг қатори ошганлиги аниқланган.



1-расм. Оддий лейкоплакия, гиперплазия, акантоз ва паракератоз ўчоқлари мавжудлиги. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.



2-расм. Лейкоплакиянинг веррукоз шакли, донадор ва кератинли қаватлари ҳисобига қалинлашганлиги. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.

Лейкоплакиянинг веррукоз шакли. Лейкоплакиянинг веррукоз шаклида қопловчи ясси эпителийнинг ҳам парабазал, ҳам донадор қаватлари ҳужайралари шишиб катталашган. Бунда гиперкератоз кучайганлиги сабабли, паракератоз ўчоқлари пайдо бўлган, унгадонадор қават ҳужайралари қатламлари кўпайиши, 4-5 қаторга айланиши, тиканаксимон қават ҳужайраларининг қатори 8-12тага кўпайиши қўшилганлиги топилди. Лейкоплакиянинг веррукоз шаклида қопловчи кўп қаватли ясси эпителий таркиби гистотопографик жиҳатдан ўзгарганлиги кузатилди. Бу қаватда эпителий ҳужайралари нисбатан кўпроқ деструкцияланганлиги цитолемма чегаралари аниқлаштирилганлиги ва кератинизация жараёни кучайганлиги аниқланди(2-расмга қаранг). Тиканаксимон қават ҳужайралари шакли ўзгариб, ҳар хил катталикга кириб, йирик ядроли ҳужайралар пайдо бўлганлиги кузатилди.

Лейкоплакиянинг эрозияланган шакли. Лейкоплакиянинг веррукоз шаклида ҳар хил механик ва термик таъсиротлар натижасида эрозия ўчоқлари пайдо бўлиши оқибатида лейкоплакиянинг эрозияли шакли ривожланади. Лейкоплакиянинг эрозияланиш шаклида қатламлар орасидаги базал мембрана тўлиқ парчаланганлиги ва ноаниқ тузилишга кирганлиги аниқланди. Натижада базал қават эпителий ҳужайралари базал мембранадан ажралиб, муаллақ ҳолда жойлашганлиги, юза қават ҳужайраларидан ҳам узилганлиги кузатилди. Парабазал қават эпителийси ҳам бир-биридан ажралиб, сийраклашганлиги, натижада ҳар хил катталикдаги ҳужайраларга кирганлиги топилди. Юза қаватида эпителий ҳужайраларининг кўчиши ва десквомацияланиши ҳисобига ҳар хил катталикдаги эрозия ўчоқлари пайдо бўлганлиги топилди. Гистологик жиҳатдан тиканаксимон қават ҳужайралар оралиғи бўшлиғи кенгайиб, ҳужайралар кўчиб тушиши ва эрозия ўчоқлари пайдо бўлганлиги аниқланди. Қон томирлари томонидан тўлақонлик, плазморрагия, девори тузилмаларининг дистрофия ва деструкцияга учраганлиги кузатилса, яллиғланиш ҳужайралари пролиферацияланиб фаоллашганлиги, ҳужайралар ядроларининг йириклашганлиги ва гиперхромлашганлиги аниқланди. Натижада бириктирувчи тўқима ҳужайралари кўпайиши ҳисобига склероз ўчоқлари пайдо бўлганлиги ва бириктирувчи тўқимали шиллиқ ости қаватининг тўлиқ ҳолда дисрегенерацияланганлиги аниқланди.

Эрозияланиш шаклида кўп қаватли ўзгарувчан эпителийнинг деярлик барча қаватлари деструкцияланди, базал қавати базал мембранадан кўчиб, ҳужайралари алоҳида-алоҳида жойлашди, парабазал қават титилиб, кучли шиш ҳисобига сийраклашиб, эпителийси деструкцияланди, юза қаватида эпителийси кўчиб тушиб, десквомацияланиб, эрозия ўчоқлари пайдо бўлган.

Касаллик давомийлиги ва инфекциянинг мавжудлиги бўйича лейкоплакиянинг патогистологик кўринишининг ўзига хослиги **б**из текширган барча биоптатларда сийдик пуфаги шиллиқ пардасида лейкоплакияга хос морфологик ўзгаришлар аниқланди, яъни ясси ҳужайрали метаплазия, паракератоз ва акантоз. Бу ўзгаришларнинг ривожланиш даражаси ва тарқоқлиги касалликнинг давомийлигига боғлиқ бўлди.Акантоз жараёни касалликнинг ўртача кечишида кўп қаватли ўзгарувчин эпителийнинг мальпигий қаватларида пролиферацияланган ҳужайралар тўпламлари ёки тутамлари пайдо бўлиши билан, уларнинг хусусий пластинка таркибига ҳар хил чуқурликда ботиб кирганлиги аниқланди. Эпителий ҳужайралар тўпламларининг қалинлашиши ва узунлашиши бир ҳолатда ҳужайраларнинг кўпайиши, бошқа ҳолатда гипертрофияланиши, яна бир ҳолатда базал қават ҳужайралар пролиферацияланиши билан намоён бўлди.

Паракератоз ўчоқларининг ўзига хослиги ясси эпителий юзасида бир-нечта қават ҳужайраларнинг шохланиши билан намоён бўлди. Оддий лейкоплакияда мугузланган ҳужайралар қавати мальпигий қавати юзасида зич ҳолдаги пластинка кўринишида жойлашганлиги кузатилди. Лейкоплакиянинг веррукоз турида эса паракератозга учраган ҳужайралар ҳар

хил қалинликдаги бўртиб чиққан тўпламлар кўринишида намоён бўлди. Кўп қаватли эпителийнинг ўткир учли ҳужайралар қаватида ҳар хил дистрофик ўзгаришлар пайдо бўлди. Кўпинча ҳужайралар цитоплазмасида катта вакуолалар пайдо бўлганлиги ва ядросининг четга сурилганлиги кузатилди. Шиш жараёни хусусий пластинка қаватига ҳам тарқалганлиги, ундаги тўқима тузилмаларининг деструкцияланганлиги кузатилди.

Эпителий ҳужайралар ядроси ҳажм жиҳатдан кичиклашганлиги ва гематоксилин билан кучли бўялганлиги билан намоён бўлди. Кучли ҳужайра ичи шиш ҳисобига баллон дистрофия ривожланганлиги, эпителийнинг ташқи цитолеммаси ёрилганлиги, йирик пуфакчалар пайдо бўлганлиги, уларнинг ичида акантотик ҳужайралар жойлашганлиги аниқланади. Шиш жараёни хусусий пластинка қаватига ҳам тарқалганлиги, ундаги тўқима тузилмаларининг деструкцияланганлиги кузатилди.

Акантолитик ва спонгиотик ҳужайралар тўпламларида пуфакчалар пайдо бўлиши ясси эпителий юзасида эрозия ўчоқлари пайдо бўлишига олиб келганлиги топилди. Бириктирувчи тўқимали хусусий пластинка ва шиллиқ ости қаватида ҳар хил даражадаги яллиғланиш инфильтрати, шиш жараёни, агар жараён узоқ вақт давом этган бўлса склероз ўчоқлари пайдо бўлганлиги аниқланади. Яллиғланиш инфильтрати таркибида лимфоид ҳужайраларнинг устун туриши улар орасида плазмоцитлар, нейтрофил лейкоцитлар ва макрофаглар мавжудлиги аниқланади.

Айрим ҳолларда уротелийнинг пролиферацияланиши кисталар пайдо бўлиши билан ва хусусий пластинкада ҳар хил кўринишдаги ёриқ ва бўшлиқлар пайдо қилганлиги билан намоён бўлган. Киста бўшиқлари ички юзасини қоплаган эпителий айрим ҳолларда цилиндрик эпителийга айланганлиги кузатилди (3-расмга қаранг). Сийдик пуфаги шиллиқ пардасининг юзасида, хусусий пластинкасида ва шиллиқ ости қаватда ҳам без ячейкалари ва кистоз бўшлиқлар пайдо бўлиши кистоз цистит ривожланганлигидан далолат беради.

Биопсия материалини текширишда лейкоплакиянинг морфологик ўзига хослигини жинсий йўл билан ўтиб борувчи инфекцияга боғлиқлиги ўрганилди. Бунда, барча инфекцияга хос ўзгаришлар ва алоҳида инфекциянинг турига боғлиқ ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди. Умумий ўзгаришларга қуйидаги умумий патоморфологик ўзгаришлар, яъни уротелийнинг гиперплазия, метаплазияси, паракератози, хусусий пластинкасининг яллиғланишли инфильтрати аниқланди. Бу умумий патологик ўзгаришлар лейкоплакиянинг оддий ва веррукоз турларининг морфогенезини тушиниб олишга ёрдам беради.

Ясси ва ўзгарувчан эпителийнинг дистрофик ўзгаришлари, метаплазия ва дисплазияси инфекция таъсирида ривожланган яллиғланиш жараёнининг кучли ёки паст даражада эканлигига боғлиқ бўлди. Микоплазмали инфекцияда уротелийнинг дистрофик ва лизисланишли ўзгаришлари нисбатан кучли ривожланганлиги бунда, уротелийнинг вакуолланиши, деструкцияланиб акантолизга учраши кузатилди.



3-расм. Узоқ вақт давом этган лейкоплакия, базал қават ҳужайраларнинг кучли пролиферацияланиши ва дисплазия белгилари пайдо бўлиши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40



4-расм. Лейкоплакия микоплазмали инфекция билан қўшилиб келиши, кучли лимфоид инфильтрация. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.

Хусусий пластинкада кучли шиш, томирлар тўлақонлиги, қон қуйилишлар ,барча ҳолатларда яллиғланиш инфильтрацияси асосан лимфоид ҳужайралардан ташкил топганлиги аниқланади (4-расмга қаранг).

Микоплазма хламидий ва трихомонада билан қўшилиб келган бўлса, 34,6% ҳолатда морфологик жиҳатдан яллиғланиш жараёнининг кучли ривожланганлиги кузатилди. Яллиғланиш инфильтратида лимфоцитлар, плазматик ҳужайралар устун турганлиги топилди. Эпителийлар орасида лейкоцитларнинг миграцияланганлиги ва лимфо-эпителий симбиози пайдо бўлганлиги аниқланади. Хламидийнинг ясси эпителийга тропизмлик хусусияти ўзига хос ўзгариш билан, яъни метаплазияланган эпителийда ҳужайраларнинг кўпроқ шикастланиши ва эрозия ўчоқлари пайдо бўлиши кузатилади.

Сийдик пуфаги лейкоплакиясининг кератинизациялашган подтипи патоморфологияси

Барча биоптатларда акантоз сийдик пуфаги шиллиқ қаватининг хусусий пластинкасига турли чуқурликларда кириб борадиган тортмалар кўринишидаги, малпигий қатламининг қалинлашиши ва ўсиши билан намоён бўлди. Эпителий ўчоқларининг қалинлашиши ва чўзилиши баъзи ҳолларда тиканаксимон қават ҳужайралари қаторларининг кўпайиши ва гипертрофияси билан, бошқа ҳолларда эса базал қават ҳужайраларининг яққол пролиферацияси билан боғлиқ. (5-расмга қаранг).Оддий ясси лейкоплакияда акантолитик соҳалар бир хилда тенг бир йўналишда жойлашади. Веррукоз лейкоплакияда малпигий қавати сезиларли қалинликка етади. Эпителиал ҳужайрали тортмалари ҳар хил катталикда бўлиб, турли йўналишларда шохланган.

Ясси эпителий юзасида овал ёки яссиланган чўзилган ядролари бўлган бир неча қатор шохланувчи ҳужайраларда некробиоз кўринишида паракератоз соҳалари пайдо бўлди. Оддий лейкоплакияда шохланувчи

ҳужайра соҳалари малпиги қатламига параллел равишда зич пластинка шаклида жойлашган (6-расмга қаранг).



5- расм. Тиканаксимон қават ҳужайраларининг гипертрофияси, базал қаватнинг пролиферацияси. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.



6-расм. Малпигий қаватининг қалин қатламли шохланиши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.

Лейкоплакиянинг веррукоз шаклида паракератотик қатлам ҳужайралари кўтарилган кўринишдаги қалинлашувларнинг турли шаклларини ҳосил қилади.

Кўп қаватли эпителий ҳужайраларида, айниқса тиканаксимон қаватда доимо турли хил дистрофик ўзгаришлар топилган. Кўпинча ҳужайраларнинг перинуклеар соҳасида катта вакуолаларнинг пайдо бўлиши кузатилди, бунинг натижасида ядро ҳужайра цитоплазмасининг четига силжиди. Эпителиоцитларнинг ядролари бужмайган ҳолатга ўтиб, кучли бўялган. Баллонли дистрофия кўринишида цитоплазма вакуолизацияси ривожланишида эпителияцитлар цитолеммасининг юпқалашиши ёки ёрилиши, акантолиз ўчоқлари пайдо бўлади, бунинг натижасида эпителийда ўлган акантотик ҳужайралар билан тўлган ёриқлар ва пуфакчалар пайдо бўлади. Шиллиқ қават хусусий пластинкасининг шиши туфайли ясси эпителийда пуфакчалар пайдо бўлиши кузатилди. Акантолитик пуфакчалар тиканаксимон қаватнинг ичида жойлашган. Баъзи ҳолларда кўп қаватли ясси эпителийнинг эрозив шикастланиши кузатилди. Хусусий пластинка тубида ва шиллиқ ости қатламида турли даражада ривожланган яллиғланиш инфилтрацияси ва шиш, касаллик узоқ давом этганда эса склероз ўчоқлари аниқланди. Яллиғланиш инфилтрати таркибида лимфоид ҳужайралар кўпайган, плазма ҳужайралари, нейтрофил лейкоцитлар ва макрофаглар мавжуд.

Сийдик пуфаги лейкоплакиясида цитокератинни ҳақида маълумотлар. Лейкоплакияга учраган сийдик пуфаги шиллиқ пардасидаги цитокератин маркерини солиштирма ҳолда ўрганиш учун профилактика кўригидан ўтган ҳеч қандай касаллиги бўлмаган аёллар сийдик пуфаги шиллиқ қаватидан олинган биопсия бўлакларини назорат гуруҳи сифатида

фойдаландик. Назорат гуруҳида фақат базал мембранада жойлашган нисбатан ёш ва камбиал даражадаги ҳужайралар цитоплазмасида кам даражада оч ёки тўқ жигар рангга бўялган цитокератин микрофиламентлари мавжудлиги аниқланди, бу ҳолат базал қават эпителий ҳужайраларининг айримлари пролиферативф фаолроқ, бошқалари пастроқ фаолликдалигини кўрсатади.

Лейкоплакия ривожланишининг дастлабки I – даври, ўзгарувчан эпителийда метапластик жараённинг пайдо бўлиш даврида, эпителийнинг акантоз ривожланган базал қавати ҳужайраларида цитокератиннинг экспрессияланиши юқори даражага кўтарилиши кузатилди (Лейкоплакиянинг II – даврида эпителийнинг барча қават ҳужайралари метаплазияланиб, вертикал ҳолда жойлашганлиги, уларнинг базал ва оралиқ қаватлар ҳужайраларида цитокератин нисбатан кўпроқ даражада экспрессияланиши аниқланди (7-расмга қаранг). Лейкоплакиянинг III – даврида эпителийнинг барча қаватлари ҳужайраларида пролиферативф фаоллик ва метаплазия ривожланганлиги, хусусий пластинкасида яллиғланиш мавжудлиги, барча эпителий ҳужайраларида цитокератин юқори даражада экспрессияланганлиги кузатилди (8-расмга қаранг).



7-расм. Сийдик пуфаги, лекоплакиянинг II – даражаси, ,базал ва оралиқ қават ҳужайраларида цитокератиннинг экспрессияланиши. Бўёқ: имуногистокимё. Кат: 10х40.



